

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**Экзоген интоксикацияда ОБШҚ да ўзгаришлар.  
Касбий касалликларда ОБШҚ даги турли хил ўзгаришлар.**

**(Ўқув услубий қўлланма)**

*Тиббиёт олий ўқув юртлари стоматология факультети  
5 курс талабалари учун*

**Тошкент -2015**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш Вазирлиги  
Фан ва ўқув юртлари Бош  
бошқармаси бошлиғи  
профессор У.С.Исмаилов

---

2015 й «\_\_» \_\_\_\_\_

**«КЕЛИШИЛДИ»**

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш Вазирлиги  
Тиббий таълимни  
ривожлантириш маркази  
директори М.Х.Алимова

---

2015 й «\_\_» \_\_\_\_\_

**Экзоген интоксикацияда ОБШҚ да ўзгаришлар.  
Касбий касалликларда ОБШҚ даги турли хил ўзгаришлар**

*(Ўқув услубий қўлланма)*

*Тиббиёт олий ўқув юртлари стоматология факультети  
5 курс талабалари учун*

**ТОШКЕНТ 2015 йил**

**ТУЗУВЧИ:**

**КАМИЛОВ Х.П.** - Тошкент Давлат Стоматология институти Госпитал  
терапевтик стоматология кафедраси мудири, т.ф.д., профессор

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

**С.С.Агзамходжаев** - Тошкент Врачлар Малакасини Ошириш Институти, 2-  
стоматология кафедраси мудири, профессор, тиббиёт фанлари доктори,  
РАМТН академиги

**Дусмухамедов М.З.** - ТДСИ болалар юз-жағ стоматология кафедраси  
мудири, т.ф.д профессор

Тошкент Давлат Стоматологий институти марказий услубий кенгашда  
муҳокама қилинди ва илмий кенгашга тавсия қилинди  
« 18 » феврал 2015 йил № 4 - сонли мажлис баёни

Тошкент Давлат Стоматология институти Илмий кенгашида тасдиқланди ва  
чоп этишга тавсия этилди.

« 25 » феврал 2015 йил № 7 - сонли мажлис баёни

**Тошкент Давлат Стоматология Институти**

**Илмий кенгаш котиби, т.ф.д.,**

**профессор**

**А.Ж.Жураев**

Ўқув-услубий қўлланма врач стоматологлар, илмий изланувчилар ва тиббиёт  
олий ўқув юртлари стоматология факультети 5 курс талабалари, учун  
мўлжалланган.

## Аннотация

Дори воситаларни токсик таъсирдан, касбий захарланишдан оғиз бўшлиғининг шиллик кавати жарохатланади. Дорилар меъерий ҳолатда кам захарли бўлиб ҳисобланади, лекин уларни меъеридан ортиқ ишлатиш заҳарланишга олиб келади.

Дориларни заҳарли таъсири билан дориларга нисбатан кўзгатиловчи аллергия реакцияни ажратиб олиш керак, чунки уларни патологик ўзгариш механизми, ривожланиши, прогнози, даволаши ўзгачадир.

Дорилардан захарланишда ҳар бир дори учун алоҳида клиник синдромлардан иборат. Дориларни организм учун қанчалик захарли бўлиши уларни концентрациясига, антитаначалар ишлаб чиқаришига, организмнинг ажратув вазибаларини бузилишига боғлиқ бўлади. Даволашда антидотлардан фойдаланилади.

Дориларга нисбатан аллергия мавжудлигида ҳамма дориларга нопетсифик клиник симптомлар хос бўлади. Бунда клиник манзараси дорини дозасига боғлиқ бўлмайди.

## Калит сўзлар

Органик ва аорганик кислота ва ишқорлар ишлаб чиқариш, экзоген интоксикация, чанг, тоғ-кон ишлаб чиқариш, висмут, қўрғошин, бензин бўғлари, сунбий смола.

**Ўқув машғулотининг мақсади:**

Экзоген интоксикацияда ОБШҚ ўзгаришлар, касаллик клиника ва диагностикасини, талабаларга зарарланган шиллик кават сохаларини ва ўзгаришларини ўргатиш.

<b><i>Талаба билиши керак:</i></b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- экзоген интоксикацияда ОБШҚ ўзгаришлар ўзига хос клиникасини,</li> <li>- экзоген интоксикацияда шиллик каватдаги гистологик ўзгаришларни,</li> <li>- ўзига хос даволаш усуллари.</li> </ul>
<b><i>Талаба бажара олиши керак:</i></b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- экзоген интоксикацияда зарарланиш элементларини характеристикасини,</li> <li>- экзоген интоксикацияда клиник ўзгаришларни фарқлаб бериш,</li> <li>- қиёсий ташхислашни.</li> </ul>
<b><i>Таълим усуллари:</i></b>	Маъруза, ақлий ҳужум, видеоусул, амалий иш усули, китоб билан ишлаш, суҳбат, таълимий ўйин, пинборд, органайзер.
<b><i>Таълим шакли:</i></b>	Жамоавий, гуруҳларда ишлаш («Биргаликда ўқиймиз», «Ўйланг-Жуфтликдашланг-Фикр алмашинг»), яқка тартибли
<b><i>Таълим воситалари:</i></b>	Флипчарт, видеофильмлар, ёзув тахтаси, модел, муляжлар, график, диаграммлар, чизма, матнлар, назорат саволлари, тестлар, вазиятли масалалар.
<b><i>Таълим бериш шароити:</i></b>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган ўқув хоналар.
<b><i>Мониторинг ва баҳолаш:</i></b>	Оғзаки сўров: экспресс тест, ёзма сўров: тест

## Назарий қисм

Дори воситаларни токсик таъсиридан, касбий захарланишдан оғиз бўшлиғининг шиллик қавати жарохатланади. Дорилар меъёрий ҳолатда кам захарли бўлиб ҳисобланади, лекин уларни меъёридан ортиқ ишлатиш заҳарланишга олиб келади.

Дориларни заҳарли таъсири билан дориларга нисбатан кўзгатиловчи аллергия реакцияни ажратиб олиш керак, чунки уларни патологик ўзгариш механизми, ривожланиши, прогнози, даволаши ўзгачадир.

Дорилардан захарланишда ҳар бир дори учун алоҳида клиник синдромлардан иборат. Дориларни организм учун қанчалик захарли бўлиши уларни концентрациясига, антитаначалар ишлаб чиқаришига, организмнинг ажратув вазибаларини бузилишига боғлиқ бўлади. Даволашда антидотлардан фойдаланилади.

Дориларга нисбатан аллергия мавжудлигида ҳамма дориларга нопетсифик клиник симптомлар ҳос бўлади. Бунда клиник манзараси дорини дозасига боғлиқ бўлмайди.

Организмда антитанача ишлаб чиқилади, улар антиген-антитанача реакциясида иштирок этади. Аллергия синама мусбат бўлади. Келиб чиқиши, аллергия ҳолатнинг олдин кузатилганлиги, овқатга ва уй-жиҳозларга бўлган сезгирлик ошганлиги аниқланади.

Даволашда аллергияга қарши – антигистамин препаратлари берилади.

Стоматологияда дориларни токсик таъсири симоб препарати ва висмутни ишлатгандан сўнг аниқланди. Организмнинг клиник умумий ўзгаришлари (нерв тизими, ошқозон-ичак йўли бузилишлари) ва оғиз бўшлиғини шиллик қаватининг ўзгариши (гингивит, стоматит) кузатилади Маҳаллий реакцияни оғирлигига қараб, жараён шиллик қаватнинг ранги ўзгаришидан то ярали-некротик ўзгаришларгача боради.

Кўрғошин билан заҳарланишда ҳам оғиз бўшлиғида шундай ўзгаришлар бўлади. Бундай ўзгариш тоғда ишлайдиган кўрғошин рудасини

этиштирувчиларда, босмахона йиғувчиларда учрайди. Патологик ўзгаришлар кўриниши кўрғошин билан мулоқатда бўлиш давомийлигига ҳамда организмнинг мойиллигига боғлиқдир.

Кўрғошин қон томир деворида чўкиб, тўқималарнинг қон билан таъминланишни бузиб, асептик некрозни чақиради. Касалликнинг энгил шаклида фақатгина кулранг хошия, кам холларда доғ хосил бўлади, лекин иккиламчи инфекция кўшилганда некроз ўчоғи қир–кулранг кўринишга ўтади.




#### Кўрғошинли стоматит

Захмдаги МНСнинг носифилитик шикастланишини даволашда висмут препаратлар (биёхинол, бисмоверол) қўлланилади ва бунда оғиз бўшлиғи шиллик қаватида ўзгаришлар пайдо бўлади. Бунда кўпроқ милкда кулранг–қорамтир висмутли хошия аниқланади ва сўлак билан бирга висмут сулфиди ажралиб чиқади. Тил, лунж шиллик қаватида ҳам ўзгаришлар бўлади.

Хошияни келиб чиқиши сабаби бўлиб кариесли тишлар, тишлардаги қараш ва тошлар бўлиши мумкин. Оғриқлар фақат шиллик қаватнинг бутунлиги

бузилганлигида, оғир захарланишда эрозив-ярали жараён ривожланганда бўлади. Бу ўзгаришлар оғиздан бадбўй хид келиши билан кечади.



#### Висмут препаратлар чақирилган стоматит

Шиллик қаватдаги ўзгаришлар билан бирга терида ўзига хос реакциялар ҳам бўлади, яъни эритематоз ёки буллез тошмалар бўлиши мумкин. Бундан ташқари сатурнизмда анемия, периферик невроз, фалаж, «кўрғошинли» хуружли оғрик пайдо бўлади. Висмут билан заҳарланишда буйракда асоратлар бўлади, яъни нефропатия кузатилади. Даволаш учун антидотлар (унитиол, суксимер ва бошқалар), КЖ эритмалари, С ва В1 витаминлари ишлатилади.

Махаллий тиш карашлари олинади, милкдаги некрозланган ўчоқлар тозаланади, протеолитик ферментлар ва кератопластик препаратлар қўлланилади. Профилактика учун оғиз бўшлиғини санатсия қилиш, оғизни 1% сирка кислота эритмаси билан чайиш, кўрғошин чангини эритиб ташловчилар билан, кислород ва витаминларга тўйинган эритмалар билан чайилади.

Симоб махаллий кўлланилганда заҳарланиш унинг резорбтив таъсирдан келиб чиқади. Симобни оксил билан боғланишини албуминлар таъминлайди ва у НаСл таъсирида эрийди ва симобни шу тўқимага киришини таъминлайди. Симоб препаратларини бактериотсид ва бактеростатик таъсири микроб ҳужайрасидаги сульфгидрил гуруҳ ферментларини блокада қилиши ва бактерия оксилани денатуратсиясига боғлиқ.

Симобдан заҳарланиш касбий зарарланишлар, яъни симоб ишлаб чиқувчи ишчиларда симоб чангидан ошқозон-ичак йўли орқали ва чанг билан нафас олишдан келиб чиқади.

Бунда интоксикация белгилари: таъсирчанлик, хотиранинг пасайиши, меҳнат қобилиятининг пасайиши бўлади. Оғиз бўшлиғида милклар қирраси бўйлаб симоб сулфиди ҳосил бўлишидан қора рангдаги хошия ҳосил бўлади. Милклар қонайди, ярали-некротик ўзгаришлар ривожланиб, улар бошқа соҳаларга тарқалиб, стоматитни келтириб чиқаради.

Бу ўзгаришлар оқибатида оғиз бўшилиғида металл таъми, сўлак безларга симобнинг салбий таъсири натижасида гиперсаливатсия кузатилади.

Даволаш симоб чангини йўқотишга қаратилган бўлиши керак. Бунинг учун ишқорли эритмаларни ичиш, тиосульфат натрийнинг эритмаси, унитиол инъекцияси ва поливитаминлар қўлланилади. Атропин гиперсаливатсияга қарши ишлатилади. Маҳаллий антисептикли ишлов қилинади, тиш карашларини олиш, яллиғланишга қарши препаратлар ва кератопластик моддаларни қўллаш яхши натижа беради.

Олтин препаратлари – капилляр заҳари бўлиб, юқори даражали заҳарловчи моддалар бўлиб ҳисобланади.

Кризанол ревматоидли артритда, қизил ясси темираткида ишлатилади.

Оғизда стоматит бўлиб, зич оқ рангдаги карашлар перламутрли бляшкалар ҳосил бўлади, бу эса қизил ясси темираткини клиникасини эслатади. Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг жароҳатланишида ярали элементлар бўлмайди.

Оғиз бўшлиғидаги ўзгаришлар буйрак шикастланиши фонид ва қондаги ўзгаришлар (апластик анемия, тромботситопеник пурпура) фонид ривожланади.

Даволаш учун унитиол, эркин сулфгидрил гуруҳини сақловчи препаратлар, кортикостероидлар ишлатилади.

Оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг ўзгариши лейкоплакия тури бўйича кечади. Касбий касалликларда ишлаб чиқиш жойларида техник хавфсизликка риоя қилиш керак, чангланишни камайтириш учун иш жойлари тез-тез шамоллатиб турилиши керак. Ишчиларни махсус профилактик асбоблар ва моддалар билан таъминлаш керак. Бунинг учун нафас йўлини ҳимоя қилувчи (респираторлар, противогазлар, докали боғламалар) мосламалардан фойдаланилади.

Зарарли моддалар билан ишловчилар стоматолог назорати остида бўлиши керак. Профилактика учун оғиз бўшлиғини санатсия қилиш, тиш карашларини олиш, тишни тўғри тозалашни тушунтириш, тишларни ўз вақтида даволашга ва протезлашга маслаҳат бериш лозим.

Профилактик кўрув касалликнинг бошланғич ўзгаришларини аниқлаб беради ва уларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ёрдам беради. Касаллик белгилари энг аввало оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг эпителийсида гиперкератози бўлган кишиларга аҳамият бериш зарур.

Дорилар билан организмнинг заҳарланишига тошларни тетратсиклинли бўялиши киради. Бу ҳолат тетратсиклинни кўпроқ ичган болаларда кузатилиб, эмалнинг сариқ-жигарранга тусга кириши (тетратсиклин чизиклари, эмални гипоплазияси) билан намоён бўлади.

Шундай ўзгаришлар она хомиладорлик вақтида тетратсиклин ичганда болаларда тиш тўқимаси билан суяклар бўялиб қолади.

Дориларнинг тератоген таъсири оғир ўзгаришларга олиб келади. Лаб, танглай кемтиги ва бошқа туғма нуқсонлар ривожланади. Буларнинг келиб чиқиши хомиладор аёлнинг баъзи препаратлар (талидомид, кортикостероид)

қабул қилишидан келиб чиқади. Тератоген фаоллиги бўйича дори препаратлари 2 хил бўлади:

1. Бевосита тератоген таъсирли (симобнинг қўшилиши, стрептомитсин, тетрациклин).
2. Билвосита тератоген таъсирли (левомитсетин ва бошқ.).

## МАШҒУЛОТДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

1. «Юмалок стол» номли иш уйинини утказиш
2. Органайзер тузиш (Нилуфар гули)

*«Юмалок стол» номли иш уйинини утказиш услуги.*

### **Иш учун керак :**

1. Алохида варака печатланган саволлар ва вазиятли масалалар.
2. Жребий учун ракамлар.
3. Тоза коғоз,ручка .

### **Ишни юналиши :**

1. Гуруҳ талабалари учта кичик гуруҳга булинишади .
2. Хар бир кичик гуруҳ талабалари алохида столга утириб варака ва ручка олади
- 3.Варакага талабани исми ,шарифи ,кичик гуруҳ раками, факултет, иш уйинининг номи ёзилади .
4. Хар бир кичик гуруҳдан бита талаба конвертдан вазифани вариантини олади .
5. Талабалар варакага вазифани ёзади .
6. Ушбу варака даврада айланади.
7. Даврада барча талабалар уз жавобларини варакага ёзиб,бошқасига узатади .
8. Жавоб учун 3 дакика ажратилади .
9. Вакт тугаши билан жавоблар уқитувчига топширилади .
10. Хамма иштирокчилар жавобларни муҳокама қилиб ,енг тугрисини ажратишади, унга максимал балл қуйилади .
- 11.Муҳокама 15 дакика давом этади.
12. Дарсни рейтинг баллари қуйилишида иш уйини учун қуйилган рейтинг баллари ҳисобга олинади .
13. Жавоби учун баллар дарсни назарий қисми рейтингидан ажратилади .

14. Укув жаридасини пастки буш кисмида уйин утказилишидан далолат берувчи ёзувга гурух старостаси кул куяди .

15. Жавоблар укитувчи томонидан сакланади.

### **Назорат саволлари :**

1. Лейкоплакия кандай касаллик?

Лейкоплакияни куп учраши кимъевий корхоналар, айникса алюминий, сунъий тери ишлаб чиқарувчи корхоналар ишчиларида ва юкори магнит майдон шароитида ишловчиларда кузатилади.

2. Кўрғошин стоматит нима?

Оғизда металл мазаси хид келади. Фронтал тишларни милк киргоги сохасида, айникса вестибуляр юзада кўрғошин кулранг хошия пайдо булади. ОБШК анемияли куринишида Сурункали катарал гингивит ривожланади. Кўрғошин алохида жойлашган кора-кукимтир доғлар куринишида Були, бир вақтнинг узида милкда, лунжда, тилда, лабларда, танглайда булиши мумкин. Оғир холларда ярали стоматит ривожланади. Беморда холсизлик, апатия, хазмнинг бузилиши кузатилади.

3. Гиперкератоз нима?

Гиперкератоз – бу дескватацияни эки мугузланишнинг бузулиши хисобига булади.

4. Симобли стоматит

Симобли захарланиш касбий зарарланишлар, яъни симоб ишлаб чиқувчи ишчиларда симоб чангидан ошқозон-ичак йўли орқали ва чанг билан нафас олишдан келиб чиқади. Бунда интоксикация белгилари: таъсирчанлик, хотиранинг, меҳнат қобилиятининг пасайиши бўлади. Оғиз бўшлиғида милклар қирраси бўйлаб симоб сулфиди хосил бўлишидан кора рангдаги хошия хосил бўлади. Милклар қонайди, ярали-некротик ўзгаришлар ривожланиб, улар бошқа сохаларга тарқалиб, стоматитни келтириб чиқаради.

Ташхис	Маҳаллий даволаш усули	Умумий даволаш усули
Кургошин билан захарланиш	<p>Маҳаллий тиш карашлари олинади, милкдаги некрозланган ўчоқлар тозаланади, протеолитик ферментлар ва кератопластик препаратлар қўлланилади. Профилактика учун оғиз бўшлиғини санатсия қилиш, оғизни 1% сирка кислота эритмаси билан чайиш, кўрғошин чангини эритиб ташловчилар билан, кислород ва витаминларга тўйинган эритмалар билан чайилади.</p>	<p>антидотлар (унитиол, суксимер ва бошқалар), КЖ эритмалари, С ва В1 витаминлари ишлатилади.</p>
Симоб билан захарланиш	<p>Антисептиклар ишлов қилинади, тиш карашларини олиш, яллиғланишга қарши препаратлар ва кератопластик моддаларни қўллаш яхши натижа беради.</p>	<p>Даволаш симоб чангини йўқотишга қаратилган бўлиши керак. Бунинг учун ишқорли эритмаларни ичиш, тиосульфат натрийнинг эритмаси, унитиол инъексияси ва поливитаминлар қўлланилади. Атропин гипертонияга қарши ишлатилади.</p>

Олтин препаратлари билан захарланиш		Унитиол, эркин сульфгидрил гуруҳини сақловчи препаратлар, кортикостероидлар ишлатилади.
--	--	---

**”Нилюфар гули” органайзери**

POLIIOGRAFIYADA	Akkumulyator ishchi.kor	Kraska ish.chiq korxonona
Milkni marginal sohasi .nora	<b>QO'RG'O SHIN</b>	Kulrang pigment dog'lar
Ikkilamchi infeksiya nekroz o'choqlari	Eritematoz toshmalar	Buullyoz toshmalar

Chuqur yaralar	Dori vositalarida	Ko'kimtir kulrang qarash
Yarali nekrotik gingivit	<b>VISMUT</b>	stomatit
Milkni marginal sohasida ora	Gipersalivatsiya	Lunj,til,tanglayda pigment dog'lar

Toksik bronxit	traxeobronxit	Burundan suv kelishi
Milk shamollashi qizil tus olish	<b>SIMOB</b>	Milkni marginal sohasida nora
Leykoplakiya,qiz.yassitemiratki	Yarali nekrotik gingivit, stomatit	Gipersalivatsiya,so'lak bezini shishishi

Toksik periodontit	Teri va mex ishchi korxonona	Kimyoviv preparat ish.ch-chi korxonona
Kataral gingivit, stomatit	<b>MISHYAK</b>	Eroziv yarali o'zgarishlar
Toksik hepatit, gipoxrom	Umumiy holsizlik	giperkeratoz

<b>QO'RG'OS HIN</b>	<b>VISMUT</b>	<b>SIMOB</b>
mishyak	Ekzogen intaksikasyada OBSHQ DA O'ZGARISHLAR	oltin
og'ir mertal tuzlari	profilaktika	stomatolog vazifalari

kapilyarli zaxarlanish	aplastik anemiya rivojlanishi	trombotopenik porpora
yuqori toksik	<b>oltin</b>	buyrak faoliyatini buzilishi
nefropatiya	dermatit rivojlanishi	o'pka faoliyatini buzilishi

bioxinol	pentabis mol	bismoverol
tetrasiklin	<b>og'ir metal tuzlari</b>	krizanol
talidomid	kortikosterooidlar	auranofin

saqlash qoidalari	qo'llash qoidalari	ventilatsiya
xavo tortish moslamalari	<b>profilaktika</b>	ish joyini doimiy tozalash
maska taqish	respirator taqish	xavfsizlik qoidalari garioya qilish

ishchilar ro'yxatini tuzish	og'iz bo'shlig'ini sanatsiya qilish	tish toshlarini tozalash
gigiena qoidalari o'rgatish	<b>stomatolog vazifalari</b>	dispanser nazoratini olib borish
gigiena vositalarini tanlab berish	ishchilar og'zini 1% li uksus kis. bilan	OBSHQ da o'zgarish bo'lgan bemorlarni ro'yxatlash

## Аналитик қисм

### Вазиятли масалалар ва тестлар комплекси

#### Тестлар:

1. Қандай препаратлар захмдаги МНСифилитик шикастланишини даволашда қўлланилади:
  - А. висмут препарати
  - Б. курғошин препарати
  - В. симоб препарати
  - Г. тетратсиклин препарати
  - Д. витамин комплекс
  
2. Қурғошин билан зарарланган беморларда иккиламчи инфекция кўшилганда некроз ўчоғи  
А. қандай кўринишга киради:
  - А. кир-кулранг
  - Б. оч сариқ
  - Г. кизгиш
  - Д. кора-кук
  - Е. кулранг
  
3. Қўрғошинли стоматитда қўлланилади:
  - А. унитиол
  - Б. антибиотиклар
  - В. 10% калсий хлорид
  - Г. адреналин
  - Д. норадреналин
  
4. Қайси касалликни даволашда висмутли стоматит келиб чиқади:
  - А. захм

- Б. пулпит
- В. кўп шаклли экссудатив эритема
- Г. кариес
- Д.сурункали қайталанувчи афтоз стоматит

5.Экзоген захарланишни даволаш дорили захарланишни даволашдан фарқкилади:

- А. антидот қўллаш
- Б. десенсибилизатсияловчи препаратлар қўллаш
- В. рентгенотерапия
- Г. реаниматсия
- Д. беморни изолясия қилиш

6.Дори воситаларининг токсик таасирдан оғиз бўшлиғининг қайси қавати жароҳатланади

- А. шиллик қават
- Б. гаймор бўшлиғи
- В. тишлар
- Г. бутун организм
- Д. ошқозон

7.Олтин препаратларига киради:

- А. кризанол
- Б.унитиол
- В. лоринден
- Г. алое экстракти
- Д. маргимуш

8.Экзоген интоксикатсия қайси касалликлар билан ташхисланади:

- А. лейкоплакия

- Б. кўп шаклли экссудатив эритема
- В. хейлит
- Д. периодонтит
- Е. пародонтит

9. Сатурнизмда кузатилади:

- А. анемия
- Б. милкда ва тилда кучли огрик
- В. Квинке шиши
- Г. таъм ўзгариши
- Д. коллапс

10. Пестицид интоксикацияда қўлланилади:

- А. унитиол
- Б. антибиотиклар
- В. аналгетиклар
- Г. хинин препаратлари
- Д. бўёқлар

11. Симобли интоксикация белгиларига нималар киради:

- А. тасирчанлик
- Б. хотиранинг пасайиши
- В. меҳнат қобилиятининг пасайиши
- Г. хушни юқотиш
- Д. доғ пайдо бўлиши
- Г. терини кўчиши

11. Висмут ва симоб препаратини ишлатилгандан сунг организмнинг умумий ўзгаришлари кандай:

- А. нерв тизимини бузилиши

- Б. ошқозон ичак юлини бузилиши
- В. оғиз бўшлиғини шиллиққаватини ўзгариши
- Г. кислород этишмаслиги
- Д. юрак қон томири бузилиши
- Е. нафас олишнинг қийинлашиши

12. Захарланишдан нафас юлини химоя қилишда қандай мосламалардан фойдаланилади:

- А. респиратор
- Б. противогаз
- В. докали ниқоб
- Г. хар хил дори воситалари
- Д. хонани ҳавосини алмаштириш
- Е. аерозол препаратлари қўллаш

13. Хомиладорлик вақтида эндоген интоксикацияда тетротсиклин ичган оналарда қандай

ўзгаришлар кузатилинади:

- А. Эмалнинг сариқ жигар ранга кириши
- Б. тетратсиклин чизиклари
- В. Эмал гипоплазияси
- Г. флюороз
- Д. кариес
- Е. перидонтит

14. Эгзоген интоксикацияда оғиз бўшлиғи ўзгаришларини даволашдаги препаратлар:

- А. унитиол
- Б. Эркин сульфгидрид сақловчи препаратлар
- В. кортикостероидлар

- Г. зоверакс
- Д. азимак
- Е. тетратсиклин

15.Эгзоген интоксикацияда оғиз бўшлиғи шиллиққавати ўзгаришлари белгилари энг аввало қандай бошланади:

- А. Эпителий гиперкератози
- Б. милкнинг шиши
- В. оғиздан нохуш хид келиши
- Г. тишларнинг қимирлаши
- Д. тиш рангини ўзгариши
- Е. пародонтал чўнтаклар хосил бўлиши

16.Хомиладорлик вақтида тетратсиклин ичган аёллни боласида ўзгаришлар бўлади:

- А. Эмал гипоплазияси
- Б. тетратсиклин чизиклари
- В. Эмал ранги ўзгарибқолади
- Г. рахит
- Д. Даун касаллиги
- Е. тишнинг қимирлаши

17. Олтин препаратини дозаси кўпайиб кетганида ривожланади:

- А. нефропатия
- Б. дерматит
- В. стоматит
- Г. ошқозон ичак тракти бузилиши
- Д. кўп шаклли экссудатив эритема
- Е. қизил ясси темирлатки

18.Симоб билан ишланадиган хоналарда бўлиш керак:

- А. вентиляция
- Б. хаво тортадиган шкаф
- В. хона хавосини текшириш
- Г. галоген лампа
- Д. кварс лампаси
- Е. ультрабинафшанурлар

19.Симоб интоксикациясила нафас олиш юлларида кузатилади:

- А. бурун оқиши
- Б. трахеобронхит
- В. токсик бронхит
- Г. ёругликдан кўрқиш
- Д. кўз ёшланиш
- Е. там бузилиши

20.Висмут билан захарланганда нефропатияни даволашда қандай препаратлар ишлатилади:

- А. антидотлар
- Б. калий ёд эритмаси
- В. С ва В1 витаминлари
- Г. антибиотиклар
- Д. яллиғланишга қарши препаратлар
- Е. натрий хлор

21. Бевосита теротоген тасирли препаратларга нималар киради:

- А. симобни кўшилиши
- Б. стрептомитсин
- В. тетратсиклин
- Г. азимак

Д. левомитстин

Е. талидомит

22.Стоматологияда қандай препаратларни қўллагандан сўнг токсик тасирини аниқлаш мумкин:

А. симоб препарати

Б. висмут препарати

В. кўрғошин

Г. темир

23.Захмда марказий нерв системанинг носифилитик шикастланишини даволашда қандай препаратлар қўлланилади:

А. биёхинон

Б. бисмоленол

В. зоверакс

Г. азимак

24.Висмут билан захарланганда оғиз бўшлиғида қандай ўзгаришлар бўлади:

А. милкда кулранг, қорамтир хошия аниқланилади

Б. сўлак билан бирга висмут сулфиди ажралиб чиқади

В. доғ ҳосил бўлмайди

Г. ҳеч қандай жараён юз бермайди

25.Кўрғошин билан зарарланганда касалликнинг энгил шакли қандай кечади:

А. кулранг хошия

Б. кам холларда доғ

В. доғ ҳосил бўлмайди

Г. ҳеч қандай жараён юз бермайди

26.Кўрғошин билан захарланишни клиник кечиши:

- А. кўрғошинли парез
- Б. сатурнизмда анемия
- В. периферик невроз
- Г. фалаж
- Д. қон босимни кўтарилиши
- Е. кунгил айнаши
- Ж. қанд миқдори ошиши
- З. бош айланиши

27. Симоб чангини йўқотиш учун қандай даволаш ўтказилади:

- А. ишқорий эритмаларни қўллаш
- Б. натрий тиосульфат эритмасини қўллаш
- В. унитиолни қўллаш
- Г. поливитаминларни қўллаш
- Д. нордон эритмаларни қўллаш
- Е. калий ёд эритмасини қўллаш
- Ж. оғиз чайиш
- З. тиш карашлари олиш

28. Симоб билан захарланган беморларни маҳаллий даволаш:

- А. маҳаллий антисептик ишлов бериш
- Б. тиш карашларни олиш
- В. яллиғланишга қарши препаратлар
- Г. кератопластик моддаларни қўллаш
- Д. антибиотикларни қўллаш
- Е. натрий тиосульфат эритмаси
- Ж. витаминотерапия
- З. сабабчи тишни олиш

30. Висмут ва симоб препаратларини ишлатгандан сўнг организмни умумий ўзгаришлари:

- А. нерв тизимини бузилиши
- Б. ошқозон ичак йўли бузилиши
- В. гингивит ривожланиши
- Г. стоматит ривожланиши
- Д. тишлар интакт
- Е. кўриш қобилияти юқори
- Ж. нафас олиш эркин
- З. тишларнинг қимирлаши физиологик даражада

31. Қўрғошин билан захарланганда клиник кўринишда кузатилади:

- А. сатурнизмдаги анемия
- Б. периферик невроз
- В. фалаж
- Г. кўрғошинли безгак
- Д. нефропатия
- Е. бош оғриши
- Ж. қон босимини кўтарилиши
- З. организмни сувсизланиши
- И. температура кўтарилиши
- К. кўнгил айнаши

32. Висмут билан зарарланган беморларни даволашда қандай препаратлар кўлланилади:

- А. унитиол
- Б. уксимер
- В. калий ёдид
- Г. витамин С
- Д. витамин В1

- Е. витамин РР
- Ж. аспирин
- З. зоверакс
- И. витамин Д
- К. азимак

33. Висмут билан захарланган беморларда қандай профилактика чоралари ўтказилади:

- А. оғиз бўшлиғини санатсия қилиш
- Б. оғизни 1% сирка кислота эритмаси билан чайиш
- В. витаминли эритма билан чайиш
- Г. кислородни тўйинган эритмаси билан чайиш
- Д. ишқор эритмалар билан чайиш
- Е. антибиотикларни буюриш
- Ж. кортикостероидлар
- З. безгакка қарши препаратлар
- И. вирусга қарши препаратлар
- Й. кандидозга қарши препаратлар

34. Дориларнинг тератоген таъсири натижасида қандай нуқсон юзага келади:

- А. лаб кемтиги
- Б. танглай кемтиги
- В. танглай- бурун кемтиги
- Г. бурун кемтиги
- Д. лаб- танглай кемтиги
- Е. юрак қон томир этишмовчилиги
- Ж. нафас бузилиши
- З. ошқозон ичак бузилиши
- И. марказий нерв тизими бузилиши
- Й. Эндокрин тизим патологияси

35. Қўрғошинли стоматитга хос эмас:

- А. мугузланиш бузилиши
- Б. оғизда метал маза
- В. лабда кулранг хошия
- Г. оғиз шиллиқ қаватида қора - кўкимтир доғлар
- Д. анемия

36. Гератоген фаоллиги буйича қайси препарат қўлланилмайди:

- А. инсулин
- Б. стрептомицин
- В. тетрациклин
- Г. левомецитин
- Д. талидомит

37. Қўрғошин захарланишда нафас йўллари химия қилишда қўлланилмайди:

- А. аэрозолли препаратлар
- Б. респираторлар
- В. противогоазлар
- Г. докали ниқоблар
- Д. унитиол

38. Қўрғошин захарланиш клиникасида кузатилмайди:

- А. Эпилепсия
- Б. сатурнизмда анемия
- В. периферик невроз
- Г. фалаж
- Д. қўрғошинли захарланиш

## Амалий қисм

### Эмал юзасини кислотали ишлов (протравка) қилиш.

**Мақсад:** Композит ашени адгезивлик хусусиятини ошириш мақсадида кислоталарни қўллаш.

**Кўрсатма:** Тиш реставратсияси.

**Керакли жихозлар:** Абразив сақловчи тозалаш паста, коффердам, 30%-35% ортофосфор кислотаси, аппликатор.

### Бажараладиган босқичлар қадамлари:

№	Амалий кўникма	Босқич ни бажара олмади	Барча босқич ларни бажарди
1	Эмал юзасини паста билан тозалаш.	0	8
2	Тишларни коффердам ёки пахта тампонлари билан сўлакдан ажратиш.	0	8
3	Тиш юзасини хаво билан қуритиш.	0	8
4	Тиш юзасига аппликатор ёрдамида 30%-35% ортофосфор кислотани суркаш. (15-20 сонияга).	0	8
5	Кислотани сув оқими билан ювиб, қуритиш.	0	8
	<b>Жами:</b>	0	<b>40</b>

### Малака, кўникма ва билимни текшириш усуллари

- оғзаки; ёзма;
- органайзерлар;
- тест; вазиятли масалалар ечиш;
- эгалланган амалий кўникмаларни намоиш этиш;

**5 курс амалий машғулотларида талабалар билими, кўникма ва маҳоратини  
баҳолашда қўлланиладиган назорат мезонлари**

№	Баҳо	аъло	яхши	урта	кониқарсиз	ёмо
	<b>Ўзлаштириш % ҳисобида</b>	<b>100%- 86%</b>	<b>85%- 71%</b>	<b>70-55%</b>	<b>54%-37%</b>	<b>36% кам</b>
<b>1</b>	<b>Назарий қисм</b>	20-17,2 балл	17-14,2 балл	14 – 11 балл	10,8 -7,4 балл	7,2 балл
<b>2</b>	<b>Аналитик қисм: органайзер</b>	15-12,9	12,75- 10,65	10,5-8,25	8,1-5,55	5,4
<b>3</b>	<b>Тест</b>	15-12,9	12,75- 10,65	10,5-8,25	8,1-5,55	5,4
<b>4</b>	<b>Амалий қисм</b>	40-34,4- балл	34- 28,4балл	28- 22балл	21,6-14,8 балл	14,4 балл
<b>5</b>	<b>Назорат саволлари</b>	10-8,6	8,5-7,1	7,0-5,5	5,4-3,7	3,6 балл

**Амалий машғулотнинг хронологик харитаси:**

№	Машғулот босқичи	Машғулот тури	Вақт-270 мин.	Танаффус
<b>1.</b>	<b>Текшириш</b>	Дафтар, талабалар катнаш даражаси Мавзу номи, мақсад ва ваз. Ўқув режа, адабиёт рўйхати Бах. мезонлари билан таништириш	10 мин. 15 мин 30 мин 15 мин.	<b>5 мин</b>
<b>2.</b>	<b>Назарий қисм</b>	Дискуссия-музокара, ақлий хужум .«Ўргимчак ини»	15 мин. 20 мин	<b>15 мин</b>

<b>3.</b>	<b>Тахлилий кисм</b>	Тестлар ва ситуацион масалалар	60 мин	<b>5 мин</b>
		ечиш,Кластер,»нима учун» номли органайзерларни тузиш ва чизиш Кўрғазмали қуроллар тақдими	20 мин	<b>45 мин</b>
<b>4.</b>	<b>Амалий кисм</b>	Амалий куникмалар бажариш	45 мин.	<b>5 мин</b>
		Қилинган ишлар тахлили	20 мин	<b>15 мин</b>
<b>5</b>	<b>Хулоса</b>	Назорат саволлар тахлили,баҳолаш, уй вазифаси,мустақил иш бериш	15 мин. 5 мин	

#### **Назорат саволлар:**

1. Экзоген захарланиш қайси касалликлар гуруҳига киради.
2. Экзоген захарланиш этиологияси
3. Экзоген захарланиш клиникаси.
4. Касбий касалликларни киеслаш.
5. Касбий касалликларни даволаш.
6. Касбий касалликларни профилактикаси

#### **Тавсия этилган адабиётлар**

##### **Асосий адабиётлар**

1. Боровский э.В. и соавт. Терапевтическая стоматология: Учебник – М., 2089.
2. Абдуллаҳоджаева М.С.,Ақбарова М.Т. Атлас патологической анатомии болезней зубо-челюстной системы и органов полости рта. 1983.
- 3.Боровский э.В. Данилевский Н.Ф. Заболевания слизистой оболочки полости рта. Атлас.- М.,1981.
4. Боровский э.В. Данилевский Н.Ф. Заболевания слизистой оболочки полости рта. Атлас.- М.,1991-320 с

5. Камиллов Х.П., Ибрагимова М.Х., Мирахмедова Д.У. ва бошқ. Оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси касалликлари: Учебник – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.- 168 б.

### **Қўшимча адабиётлар**

6. Банченко Г.В., Максимов Ю.М. Язык - «зеркало» организма. М.: Бизнес-центр «Стоматология» 2000 – 407 (кафедра кутубхонаси)
7. Боровский Е.В. «Биология полости рта». М. 2001. (электронный)
8. Барер Г.М. Барер Г.М. Терапевтическая стоматология. Част 3. Заболевания слизистой оболочки полости рта. Москва. «Геотар-медиа» 2005. (электронный)
9. Данилевский Н.Ф., Леонтев В.К. И соавт. Заболевания слизистой оболочки полости рта и губ. М.: «Стоматология», 2001. (кафедра кутубхонаси)
10. Леус П.А., Горегляд А.А., Чудакова И.О. Заболевания зубов и полости рта. Минск. «Бишейшая школа» 1998. (электронный)
11. Джорж Ласкарис. Лечение заболеваний слизистой оболочки полости рта. Москва. МИА. 2006. (кафедра кутубхонаси)
12. Панчишин М., Гот И., Мясний З. Неотложные состояния в стоматологической практике. Лвов. ГалДент. 2004. (электронный)
13. Дмитриева Л.А. Терапевтическая стоматология. Москва. «МЕДпресс-информ» 2003. (кафедра кутубхонаси)
14. Светкова Л.А., Арутюнов С.Д. и др. Заболевания слизистой оболочки полости рта. Москва. «МЕДпресс-информ». 2006. (кафедра кутубхонаси)
15. Анисимова И.В., Недосеко В.Б., Ломиашвили Л.М. Заболевания слизистой оболочки полости рта и губ. Клиника. Диагностика. Москва. «МЕДИ издательство» 2005. (кафедра кутубхонаси)
16. Стефан Т. Сонис. Секрети стоматологии. 2002. (кафедра кутубхонаси)
17. Трошин В.Д., Жулев э.Н. Болезни синдромы в практике стоматолога. Нижний Новгород. «НГМА». 2002. (электронный)

Елестрон манбалар олинган сайтлар:

1. [www.медлибрарй.ру](http://www.медлибрарй.ру)
2. [www.медлине.ру](http://www.медлине.ру)
3. [www.сохране.сом](http://www.сохране.сом)
4. [www.здорове.ру](http://www.здорове.ру)
5. [www.мед.ру](http://www.мед.ру)
6. [www.стом.ру](http://www.стом.ру)
7. [www.стоматологя.ру](http://www.стоматологя.ру)